

# Фойдаланилмасдан бўш турган бинони Ижарага бериш шартномаси № 5

“26” Энвар 2022 йил

Бандихон туман

Фуқоролик паспорти асосида иш курувчи (кейинчалик “Ижарага берувчи” деб юритилувчи) Бандихон тумани “Бектепа” маҳалласида фаолият юритувчи “SUYUNOVLAR” оилавий корхонаси раҳбари Суёнов Ботир Абдимуродович ва Низом асосида иш курувчи (кейинчалик “Ижарага олувчи” деб юритилувчи) Бандихон туман ҳокимлиги номидан иш кўрувчи Ў.Чориевлар мазкур шартномани куйидагилар тугрисида туздилар:

## ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. “Ижарага берувчи” “Ижарага олувчи”га Бандихон туман «Бандихон» маҳалласида жойлашган бинони ижарага беради, “Ижарага олувчи” эса ушбу бинони қабул қилиб олади ва белгиланган ижара туловини “Ижарага берувчи”га тулайди.

## ОБЪЕКТНИНГ ТАСНИФИ

2.1. “Объект” “Ижарага олувчи”га 01.01.2021 йилдан 31.12.2021 йилгача ижарага берилади.

2.2. Мазкур шартноманинг 1.1-бандида қайд этилган “Объект”дан “Ижарага олувчи” фақат **бино сифатида** фойдаланади.

## ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 3.1 “Ижарага берувчи” куйидаги ҳуқуқларга эга:

- ижарага берилган объектдан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, уларнинг сақланишини, шунингдек ижара тулови уз вақтида ва тулик туланишини назорат қилиш мақсадида “Ижарага олувчи” фойдаланаётган “объект”ни тулик куздан кечирish, ижара ҳақининг туланганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни тақдим этилишини талаб қилиш;

зарурат бўлганда, “Объект”нинг физик ҳолатини “Ижарага олувчи”нинг ҳужжатик фаолиятига аралашмаган ҳолда куздан кечирish;

- ижарага олинган “Объект”дан фойдаланиш шартларига риоя қилинишини, “Объект”ни учинчи шахсга субижара тарзида берилиши ёки гаров, сервитут ва шу каби ҳолатларини урганиш;

“Ижарага олувчи”нинг ижарага олинган “Объект”ни яхшилашни (тулик таъмирлаш) амалга ошириш тугрисидаги мурожаатини “Ижарага берувчи” билан биргаликда куриб чиқиш;

- “Ижарага олувчи” томонидан ушбу шартномада курсатилган ижара туловларини узлуксиз икки ой давомида туламаслик, ижарага олинган объектдан мақсадли ҳамда самарали фойдаланмаслик, ижара шартномасини “Ижарага берувчи” муддатидан олдин “Ижарага берувчи” билан қелишган ҳолда икки томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга;

### 3.2 “Ижарага олувчи” куйидаги ҳуқуқларга эга:

- мазкур ижара шартномаси шартларига мувофиқ “Объект”ни “Ижарага берувчи”дан қабул қилиб олиш;

- ижарага олинган “Объект”да жорий таъмирлаш ишларини уз кучи ва уз ҳисобидан амалга ошириш;

- қонун ҳужжатларида ва мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

- ижарага олинган “Объект”дан фақат белгиланган мақсадларда фойдаланиши ва уни соз ҳолатда сақлаши, уз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва мулкни сақлаш буйича ҳаракатларни қоплаш;

-ижарага олинган "Объект"ни гаровга куймаслик ва бошқача тарзда учинчи шахслар томонидан фойдаланишга йул куймаслик, шу жумладан субижара шартларида бермаслик;

- ижара шартномасида курсатилган муддатларда ва микдорда бевосита "Ижарага берувчи"нинг транзит ҳисоб рақамига уз молиявий эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда 12 (ўн икки) ойга тузилган ижара шартномасида курсатилган 22 000 000 ( йигирма икки миллион) сўм ижара ҳақини ҳар ойнинг 30 санасидан кечиктирмаган ҳолда ойлик тўлов шаклида амалга ошириб бориш.

- "Объект"ни коммунал тўловлар буйича туловларни шартномаларда курсатилган микдорда, тартибда ва муддатларда "Ижарага олувчи" уз ҳисобидан тулаш;

- Мазкур ижара шартномасини амал қилиш муддати навбатдаги йилга утадиган кучмас давлат мулки ижара шартномаси буйича булажак йил даври учун ижара тулови белгиланган тартибда булажак йилга ижара туловини қайта белгилаш.

### ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.3. "Ижарага олувчи" уз мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган ижара туловини уз муддатида ва микдориди туламаганлиги учун "Ижарага берувчи"га утқазиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдориди, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 30 фоизидан ортик булмаган микдориди пеня тулайди.

### НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

3.4. Тарафлар уртасида мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар бир- бирига эътироз ҳақи юбориш тартибисиз тугридан-тугри тегишли туман (шаҳар ) иқтисодий судлари томонидан белгиланган тартибда ҳал этилади.

### ФОРС-МАЖОР

4.1 Агарда енгиб булмас куч билан боғлиқ вазиятлар, масалан: сув тошқини, ёнғин, зилзила, эпидемия, ҳарбий можоролар томонлар тарафидан мазкур шартнома шартларини бажаришга таъсир курсатувчи ҳукумат ёки маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қабул қилинган фармойиш, буйруқ ёки бошқа маъмурий қарорлар, маъмурий ёки ҳукуматнинг чекловчи қарорлари ва ҳокозолар юзага келиш ҳоллари бевосита ёки билвосита номоён булган тақдирда шартнома шартларини бажариш ушбу ҳолат тугаши муддатигача узайтирилади.

4.2 Форс-мажор ҳолати мавжуд булган томон уч кун ичида бошқа томонларни форс-можор ҳолати бошланиши ва тугаши муддатларини курсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

4.3 Агар форс-можор ҳолати ижара шартномаси шартларини бажаришга уч ойдан кун муддат талаб қилса, томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

### ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

**"ИЖАРАГА БЕРУВЧИ"**

**"SUYUNOVLAR" O/K**

Бандихон тумани "Бектепа" МФЙ

Х/Р 20208000505324638001

МФФ-00753 ИНН 307353821

Тел. 9998919029266



Б.Суюнов

**"ИЖАРАГА ОЛУВЧИ"**

Бандихон туман ҳокимлиги

Бандихон тумани "Бектепа" маҳалласи

Х/Р 100022860222037011204018001

МФФ-00014 ИНН 307157384

Тел. 9998763741591



Ў.Чориев